ЎзХДП ҳаёти

# ТАШАББУС ЙЎҚ ЖОЙДА ОБРЎ ҲАМ БЎЛМАЙДИ

## ДЕБ ТАЪКИДЛАНДИ БУХОРО ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ ПЛЕНУМИДА

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бухоро вилояти кенгашининг навбатдан ташқари пленуми бўлиб ўтди. Унда вилоят партия кенгаши аъзолари, тафтиш комиссияси аъзолари, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи аъзолари, туман, шаҳар кенгашлари раислари, партиянинг «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотлари туман, шаҳар бўлимлари раҳбарлари, партия фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.**

Пленумда Ўзбекистон ХДП янги Дастури ижтимоий устуворликларини мамлакатимиз Президенти И.Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 10 февралда бўлиб ўтган мажлисидаги маърузаси ҳамда Олий Мажлис Сенати V ялпи йиғилишидаги нутқидан келиб чиққан ҳолда бажаришда Бухоро вилояти ЎзХДП кенгашлари, ташкилотлари ва депутатлар гуруҳларининг ташаббускорлигини ошириш ҳақидаги масала атрофлича муҳокама қилинди. Бу ҳақда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Латиф Ғуломов маъруза қилди.

Маърузачи пленум қатнашчилари эътиборини Президентимиз томонидан ҳар иккала йиғилишда ўртага ташланган устувор вазифалар — аҳолининг тўлақонли бандлигини таъминлаш, бунинг учун эса касаначилик, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва инфратузилма, хизмат кўрсатиш, сервисни ривожлантириш, уй-жой-коммунал соҳани изчил ва дадил ислоҳ қилишни таъминлашда ХДП кенгашлари, ташкилотлари ва депутатлик тузилмалари, партиядошларимиз нималар қилиши лозимлигига қаратди.

— 2006 йилда ислоҳотларнинг йўналишлари, — деди нотиқ, — айнан бизнинг электорат манфаатларига жавоб берадиган, партиямиз Дастурининг асосий ижтимоий устуворликларини ҳал этишга қаратилган масалалардан иборатдир. Бу эса биздан ташаббускорлик кўрсатиш, масалага масъулият билан ёндашишни талаб этади. Хўш, бу борада Бухоро вилоят партия кенгашларида қандай ишлар амалга оширилаяпти? Партия янги Дастурининг ғоялари, ижтимоий сиёсатнинг асосий масалалари ҳар бир аъзонинг онг-шуурига сингдирилдими? Очиғини айтадиган бўлсак, вилоятда бу соҳада унча самарали иш қилинмаган. Марказий Кенгашнинг IV пленумида таъкидланганидек, бугун одамларни партиямиз мафкурасининг афзалликларига ишонтириш ва тарғиб қилишнинг энг асосий йўли, бу — ЎзХДП дастурининг ижтимоий муҳим мақсадларини ташаббускорлик билан амалга оширишни таъминлашдир. Сир эмас, вилоят, туман, шаҳар партия кенгашлари бу борада электоратимиз вакиллари орасида кўплаб учрашув, суҳбатлар, тарғибот-ташвиқот тадбирларини ўтказганлар. Аммо, бу тадбирлар енгил-елпи, асосан хўжакўрсинга ташкил этилгани ачинарлидир. Бундай ҳолат билан эса асло келишиб бўлмайди.

Вилоятдаги ижтимоий муаммолардан бохабарликнинг ўзи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бултур вилоятда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари томонидан 864,3 минг меҳнатга яроқли аҳоли борлиги айтилган. Улардан 666,7 минг кишигина иқтисодиётда банд. Аҳолининг бандлик кўрсаткичи 2004 йилга нисбатан 2,7 фоизга ошган. Бундай қараганда аҳвол яхшига ўхшайди. Аммо, меҳнатга яроқли бўлган, лекин иқтисодий фаол аҳоли тоифасига киритилмаган кишиларни мутасадди ташкилотлар «шахсий ёрдамчи хўжаликда бандлар» ёки «ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиётганлар» сирасига қўшаётирлар. Бу расмий равишда уларни ишга жойлаштиришга муҳтож, иш қидирувчилар сонига қўшмаслик имкониятини беради-ку!

Биргина мисол. Ромитан туманида меҳнатга қобилиятли 64,7 минг киши бўлиб, уларнинг барчаси иқтисодиётда банд эмас. Туман бандлик дастурига асосан 2006-2007 йилларда 6,2 минг кишига ишчи ўрни яратиш режалаштирилган. Шу ўринда савол туғилиши табиий. Туман партия кенгаши, депутатлар ишчи ўринлар яратиш масаласини сессия кун тартибига қўя олмаяптиларми? Жавоб битта — ташаббус йўқ! 2004-2005 ўқув йилида вилоятда мактабларнинг 9-11 синфларини 100 минг ўқувчи битириб, гувоҳнома олган. Расмий жиҳатдан қараганда, битирувчи бу йигит-қизлар ишга жойлаштирилган ёки узлуксиз таълимнинг кейинги босқичида ўқишни давом эттираётган деб ҳисобланади.

Иш билан таъминлаш вилоят учун ягона ва долзарб масала эмас. Бугунги кунда вилоятнинг учдан бир қисмидан ортиғроғи марказлаштирилган сув таъминотидан фойдаланади. Агар гап турар-жой ва хонадонлар ҳақида борса, водопровод тармоғига фақат уларнинг тўртдан бир қисми уланган, холос. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 2006-2009 йилларда вилоятнинг 315 та қишлоқ аҳоли пункти ичимлик сув билан таъминланиши лозим эди. Шу мақсадлар учун эса вилоятга давлат инвестиция дастурига биноан шу йил бюджетдан 1,2 миллиард сўм йўналтирилиши мўлжалланган. Нега бу масалалар билан маҳаллий партия кенгашлари, тегишли депутатлик гуруҳлари қизиқмайди?

Афсус билан қайд этиш керакки, деб таъкидланди пленумда, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг бўлиб ўтган сессияларида бандлик муаммоси, газ, ичимлик суви таъминоти, коммунал хизматлар бўйича ХДП депутатлик гуруҳи номидан чиқишлар жуда кам бўлиб, амалий таклифлар илгари сурилмаган. Худди шунингдек, туман ва шаҳар кенгашларидаги аксарият депутатлик гуруҳлари ҳам бўлиб ўтган сессияларда сукут сақлашни афзал кўрганлар. Яна шуниси афсусланарлики, ўтган сессияларда партиямиздан сайланган депутатлар эътиборидан асосий масалалардан бири — маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш масалалари четда қолиб кетган.

Пленум иштирокчилари мамлакат раҳбарияти томонидан илгари сурилаётган ислоҳотларни сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда қўйилган вазифаларни бажариш бўйича аниқ ҳаракат дастурини белгилаб олдилар. Вилоятдаги бориш қийин бўлган ва кам аҳоли истиқомат қиладиган 432 та қишлоқда аҳолини ичимлик сув билан таъминлашнинг муқобил манбалари йўқлиги долзарб муаммодир. Бу ҳолат асосан Ғиждувон, Вобкент ва Ромитан туманларида учрайди. Бу муаммони тўла бартараф этиш ишлари 2005 йилга мўлжалланган бўлса-да, ҳалигача ниҳоясига етмагани боис яқин орада мониторинг ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бошқа ижтимоий йўналтирилган давлат қарорлари бўйича ҳам мониторинг ва жамоатчилик назоратини кучайтириш лозим, дейилди пленумда.

Яна бир муҳим жиҳат. Ҳозир Ўзбекистонга нисбатан айрим Ғарб мамлакатлари томонидан информацион хуруж авжига чиққан бир пайтда вилоят партия кенгаши электоратнинг фуқаролик масъуллиги ва маърифатини юксалтиришга бўлган эътиборни тубдан яхшилаши керак. Ҳар бир партия аъзоси, хусусан, ёшларда демократик жамиятда масъулиятни, фуқаролик кўникмаларини шакллантиришга эришиш учун интилиш зарур. Энг муҳими, ташаббускорликни сусайтирмаслик лозим. Зеро, ташаббус бўлмаган жойда обрў ҳам бўлмайди.

Пленумда маъруза юзасидан Бухоро шаҳар партия кенгаши раиси Робия Козимова, «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти партия ташкилоти раиси Муҳиддин Бозоров, Вобкент туман партия кенгаши раиси Толиб Авезов, Когон туман «Беклар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зуҳро Ҳамидова, Бухоро автомобиль ва йўллар коллежи директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси Ҳамза Муҳаммедов ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Биз пленум иштирокчиларининг айримларини суҳбатга тортдик.

**Иосиф ЭШМУРОДОВ, ғиждувонлик фермер:**

*— Очиғи, пленумда вилоят партия кенгаши фаолиятига холисона баҳо берилибгина қолмай, жойлардаги аҳвол рўй-рост гапирилди. Айниқса, бизнинг туманда ичимлик сув муаммосига бўлган бефарқликдан анча хижолат бўлдик. Партия кенгашлари шаънига айтилган танқидий фикрлар жуда ўринлидир. Охирги пайтда ҳақиқатан ҳам сусткашлик кўзга ташланди.*

**Абдураҳмон АБДУЛЛАЕВ, Қоракўл туманидаги «Қоракўл» ширкат хўжалиги раиси, вилоят кенгаши депутати:**

*— Тан олиб айтишимиз керакки, биз депутатлар ваколатимиз доирасида фаолият кўрсатолганимиз йўқ. Маърузачи ҳақ. Туман ёки вилоят сессияларида сукут сақлашга ўрганиб қолганмиз. Бундан буён ташаббус кўрсатишимиз керак. Шунда халқ олдида юзимиз ёруғ бўлиб, партиямиз нуфузи ошади.*

**Наргиза НЕЪМАТОВА, Олот туман партия кенгаши раиси:**

*— Маърузадан жуда таъсирландим, айтилган барча муаммолар бизга ҳам аён. Фақат бизда журъат, талабчанлик етишмаяпти. Энди эса бу ҳолатга чек қўйиб, электоратимиз олдидаги бурчимизни унутмаслигимиз керак.*

Пленумда ташкилий масала ҳам кўрилди. ЎзХДП вилоят кенгаши раиси Жалолиддин Нуруллаев бошқа ишга ўтгани муносабати билан ўз вазифасидан озод этилди. Ўзбекистон ХДП Бухоро вилояти кенгаши раиси этиб илгари Бухоро туман партия кенгаши раиси вазифасида ишлаб келган Саида Жўраева сайланди.

Пленумда муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

Депутат ва ҳаёт

# ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ

## кучли бўлгандагина муаммолар бартараф этилади, — дейилди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари билан бўлиб ўтган учрашувларда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари Анвар Бойқулов ва Жолғаш Маматмўминовларнинг Сурхондарё вилоятининг Олтинсой, Шўрчи, Денов, Узун туманлари аҳолиси билан учрашувлари бўлиб ўтди.

Уларда депутатлар ўтган давр мобайнида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида амалга оширилган ишлар, қабул қилинган қонунлар, кўрилган масалалар, фракция фаолияти ҳақида тўхталиб ўтишди.

Ҳар бир учрашув ошкора, самимий руҳда кечди. Ўзаро баҳс-мунозаралар узоқ давом этди.

— Олтинсой туманининг «Чинор» маҳалласида истиқомат қиламиз, — **дейди Фарҳод Чоршанбиев.** — Асосий даромадимиз деҳқончиликдан... Биласизми, тайёр маҳсулотни бозорга олиб борсак, олибсотарлар савдо қилишади. Қани, уларга бермай кўринг-чи? Бозорларни тартибга келтириш керак. Маъмурият, ички ишлар, солиқ идоралари вакиллари баҳамжиҳат ишлашса, ғалваларга ўрин қолмасди...

— Ўзим шифокорман, — **дейди деновлик Ойбаланд Ҳайдарова.** — Тожикистон аллюмин заводи мўриларидан кўкка кўтарилаётган фторли водород, олтингугурт ангидриди, азот оксидлари каби турли заҳарли тутунлар вилоятнинг шимолий туманлари аҳолиси, табиати ва ҳайвонот оламига жиддий зиён етказмоқда. Биргина мисол, 2000 йилга қараганда 2004 йилда флюороз, парадонтит, гипоплазия каби стоматологик хасталиклар 1,5 баробарга ортган. Онкологик касалликлар эса 264 тадан 744 тага кўпайган. Хўш, бунга жавобан қандай амалий ишлар қилинмоқда?

— Тан олиб айтиш лозимки, завод узоқ йиллар давомида воҳага ўзининг салбий таъсирини ўтказиб келган, — дейди депутат Анвар Бойқулов. — Ўзимиз ҳам шу элнинг фарзандимиз. Буни юрак-юракдан сезардик. Зиённи бартараф этиш мақсадида матбуотда қатор чиқишлар қилинди. Тожикистон аллюмин заводининг салбий таъсирини ўрганиш мақсадида қуйи палатанинг комиссияси тузилди. У бугунги кунда ҳам фаолият олиб бормоқда. Қолаверса, «Русал» вакили Олег Дерипаска аҳвол билан яқиндан танишгач, Юртбошимиз билан учрашди. Жаҳон талабларига жавоб берадиган атроф-муҳит, табиат, инсон саломатлигига таъсир қилмайдиган шароит яратилсагина завод иш бошлашига келишиб олинган...

Денов педагогика коллежида ўтган учрашув ҳам жуда қизиқарли кечди.

— Шу илм даргоҳида ўқитувчиман, — **дейди Абдумўмин Жумаев.** — Маълумотларга қараганда жорий йилнинг ўтган даврида электр энергияси тўловлари учун ўқитувчиларнинг ойлик маошларидан 1 миллион 500 минг сўмдан кўпроқ пул туман электр тармоқлари корхонасига ўтказиб берилган. Бугунда ушбу корхона биздан қарздор. Шунга қарамай, маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари ва тармоқ ходимлари тез-тез уйларимизга бориб, олдиндан тўлов шаклида пул йиғиб кетишади. Лекин, электр энергиясидаги чекловларда ижобий ўзгариш йўқ.

— Сиз туман электр тармоғи корхонаси маъмурияти билан икки томонлама шартнома тузганмисиз? — саволга савол билан мурожаат қилди депутат Жолғаш Маматмўминов.

— Йўқ... Аммо, қачон келишса, имкон қадар пул бераман...

— Аввало, сиз мазкур корхона билан икки томонлама шартнома тузинг. Унда ҳуқуқ ва мажбуриятларингиз аниқ кўрсатиб ўтилган. Шунда муаммо ечимини топади...

**Савол:** — Хўжалигимиз туман марказидан 30-35 чақирим олисда жойлашган. Узунга бориб-келиш киши бошига 1800-2000 сўмга боради. Яқинда набирали бўлувдик. Биласизми, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномани олиш учун анча овора бўлдик. Бугун келинг, эртага хабарлашинг... билан 6 кун ўтибди. Туғуруқхонага борсак, чақалоққа жавоб бермайди, «загс»дагилар эса гувоҳнома йўқлигини рўкач қилишади...

**Жавоб:** — Олтинсой, Денов, Шўрчи туманлари аҳолисидан ҳам шунга ўхшаш саволлар бўлди. Бу ҳақда маҳаллий ҳокимликларга мурожаат қилинган. Ҳозирча мутахассис етишмай турган экан. Яқин келажакда бундай оворагарчиликларга чек қўйилади...

**Савол:** — Воҳа аҳолисининг аксарият қисми қишлоқ жойларида истиқомат қилади. Чорвачилик, боғдорчилик, асаларичилик даромад манбаимиз. Аммо, жойларда озуқа, чорва учун дори-дармон сотиладиган шахобчалар йўқ. Токайгача шаҳарга қатнаймиз?

**Жавоб:** — Бу таклифларни ҳисобга оламиз, албатта. Маҳаллий мутасаддилар, туман ва вилоят ҳокимларига ўз таклифларимизни билдирамиз...

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

# САМИМИЙ МУЛОҚОТЛАР

12-Андижон сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, парламентдаги ЎзХДП фракцияси раисининг ўринбосари Анатолий Козлов сайловчилар билан учрашувни одатдагидан бошқачароқ ташкил этиш ташаббускори бўлди. У олдиндан тайёрланган узундан-узоқ маърузани ўқимасдан, маҳалла фуқаролар йиғинларига келганлар билан юзма-юз суҳбатлашди.

— Юртдошларим билан бундай мулоқотлар ҳаётий масалалар, муаммоларни илғаб олишга кўмак беради, — дейди у. — Ўз навбатида, суҳбатдошларимни қизиқтирган саволларга жавоб беришга ҳаракат қиламан. Парламент фаолияти, қонунлар мукаммаллашувидаги иштирокимиз кўпчиликни қизиқтиради.

Анатолий Михайловичнинг ўзбек тилини яхши билиши мулоқотларнинг таъсирчан, қизғин ўтишини таъминлади. Самимий, илиқ муносабат, камтарлик кишилар қулфи-дилини очди.

— Анчадан буён бетоб эдим, — дейди Андижон шаҳридаги «Маориф» маҳалласида яшовчи Сулаймон Абдураззоқов. — Бугун маҳаллага чиққаним фойдали бўлди. Депутатимиз билан кўришдим, мириқиб суҳбатлашдим. У мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг моҳиятини содда, лўнда қилиб тушунтириб берди. Эшитганларимни ўғил-қизлар, набираларимга айтиб бераман.



«Маориф»лик Жамолиддин Қосимовнинг ишламай қолган корхоналарни юргизиш, бандлик муаммосини ҳал этиш қай тарзда бораётгани ҳақидаги саволларига депутат аниқ мисоллар билан жавоб берди.

«Андижон» маҳалласида Анатолий Козлов билан маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шавкат Охунжонов, фуқаро Гулнора Юнусова, 85 ёшли Аҳмаджон ҳожи Асроновлар қадрдонлардек кўришишди. Тўпланганлар депутатдан кўпроқ эшитиш истагини билдиришди.

Маҳалла вакилларининг тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, бандлик муаммосига доир саволларига атрофлича жавоб берилди.

Депутат А. Козлов Андижон шаҳридаги кўпгина маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлиб, сайловчилар, ёшлар билан сидқидилдан суҳбатлашди. Бундай мулоқотлар депутатга ҳам, фуқароларга ҳам фойдали бўлди.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

***Суратда:*** *учрашувлардан лавҳа.*

**Хурсандбек АРАББОЕВ олган сурат**

ХДП ҳаёти

# ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР

Бувайда азалдан моҳир, қўлигул ҳунармандлар, чеварлар, дурадгорлар юрти ҳисобланади. Бу ердаги деярли ҳар икки хонадоннинг бирида, албатта, эшик-дераза, стол-стул, сўри ва бошқа уй-рўзғор буюмлари ясалади. Қолаверса, узоқ йиллар давомида шаклланган ўзига хос чеварлик, зардўзлик мактаблари бор. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши томонидан ташкил этилган «Бандлик муаммоси ва унинг ечимлари»га бағишланган семинарнинг айни шу туманда ўтказилиши бежиз эмас. Бувайдада бу борада ўзига хос тажриба тўпланганидек, ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд.

Анжуман доирасида бувайдалик касаначилар томонидан тайёрланган маҳсулотлар кўргазмаси йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

— Ўттиз нафарга яқин ёшларни турли касбларга ўргатаман, — дейди Ўртақўнғирот қишлоғидан келган Малихахон Мирзааҳмедова. — Маҳсулотларимиз бозорда харидоргир. Аммо, муаммоларимиз ҳам йўқ эмас.

Жалаер қишлоғидан Гулшода Абдулхолиқова кўргазмага олиб келган зардўзлик буюмлари нафислиги, тикилиши, безакларининг ўзига хослиги билан йиғилганларда қизиқиш уйғотди. Бири-биридан бежирим, чиройли зар тўн, телпак, камзул ва сўзаналар кўзни қувонтиради. Лекин, мана шу гўзал либослар, буюмларни тайёрлаш учун, муқим, барча қулайликларга эга бўлган бино йўқ! Ҳолбуки, зардўзлар таъкидлашганидек, туманда қанча-қанча бўш, фойдаланилмай ётган иморатлар бор...

Семинарда маъруза қилган ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Насимқул Каримов аҳоли орасида бандлик муаммосини ҳал этиш йўлларини излаш партиямиз учун долзарб масалалардан бири эканлигини таъкидлади.

— Касаначиликни ривожлантириш хусусидаги фармон ва қарорлар халқимиз, айниқса аёллар орасида бандлик муаммосини ҳал этишга катта ёрдам берди, — деди Бувайда туман маиший хизмат кўрсатиш бирлашмаси бошлиғи Зулхумор Ҳошимова. — Шу билан бирга туманимизга хос бир муаммони айтиб ўтишни хоҳлардим. Маълумки бизда йирик саноат корхоналари деярли йўқ.

— Қишлоқларда ҳозирда ўртача 4 нафар фарзандли, ёши 45 дан ошган аёллар орасида иш топишда қийналиш бор, — дейди туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Мастурахон Зиёева, — тўғри, томорқада ишлаш, бола тарбияси каби ташвишлар ҳам кўп вақтни олади. Аммо, ҳали бундай аёлларнинг нафақага чиқиши учун вақт бор. Шу боис, мана шундай аёллар касаначилик билан шуғулланишлари мумкин.

Семинарда чет элларга бориб ишлашнинг қонуний асослари, йирик корхоналарда ёшларга иш ўргатиш бўйича бўлимлар ташкил этиш, ўқув юртларини битирган, вояга етган ёшларни иш билан илк марта таъминлашда имтиёзлар яратиш, банклар билан муомала жараёнларини соддалаштириш, илғор касаначиларни рағбатлантириш, жойларда касаначиликни ривожлантиришда маҳалла фуқаролар йиғинларининг фаоллигини ошириш масалалари ҳам муҳокама этилди.

**Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

# ОМАД СИЗГА, ШАХМАТЧИЛАР!

Жорий йилнинг 18 май — 5 июнь кунлари Италиянинг Турин шаҳрида жаҳон шахмат олимпиадаси ўтказилади. Ушбу нуфузли мусобақада Ўзбекистондан 18-жаҳон чемпиони Р.Қосимжонов, тажрибали шахматчилар С.Йўлдошев, А.Барсов каби спортчилар сафида умидли ёшлар — А.Филиппов, Т.Гареев, С.Қаюмов ҳам дона суради.

Хотин-қизлар ўртасидаги беллашувларда юртимиз шарафини Ольга Собирова, Шаҳноза Ҳамроқулова, Юлдуз Ҳамроқулова ҳамда Ирода Ҳамроқуловадан иборат терма жамоамиз ҳимоя қилади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Шахмат федерацияси ташкил этган учрашувда спортчиларимиз Турин шаҳридаги шахмат олимпиадасида муносиб қатнашиши, бор билим ва маҳоратини, тажрибасини ишга солиб, юқори ўринлар учун курашиши алоҳида таъкидланди. Зеро, жорий мавсум ўзбекистонлик шахматчилар учун жуда муваффақиятли бошланди. Яқинда Грецияда мактаб ўқувчилари ўртасида ўтган II жаҳон чемпионатида 13 ёшгача бўлган болалар ўртасида Тошкент шаҳридаги 110-мактаб ўқувчиси Раҳматжон Раҳимов чемпионлик унвонини қўлга киритди.

Учрашувда унга мамлакатимиз Шахмат федерациясининг махсус совғаси топширилди.

**(ЎзА)**

«Пилла — 2006»

# ХУШХАБАР

Шаҳрихон туманидаги «Сардор» ширкат хўжалиги миришкорлари Андижонда биринчи бўлиб, йиллик пилла тайёрлаш шартномавий режасини бажардилар. Юксак агротехника қоидалари асосда парваришланган 290 қути ипак қуртидан 16 тонна «кумуш тола» хирмони яратилди.

Одинахон Бегматова, Наргизахон Бегматова, Нодирахон Эргашева, Қаноатхон Бегматова, Гулчеҳрахон Тожибоева каби илғор пиллакорлар ҳар қути ипак қурти ҳисобига 80 килограммдан ошириб ҳосил топширдилар.

Академик Т.Саримсоқов номидаги ширкат хўжалиги пиллакорлари ҳам салкам 20 тонна ҳосил топшириб, шартнома режаларини ортиғи билан бажардилар.

**(Ўз мухбиримиз)**

Муносабат

# МИЛЛИОНЛАР ДИЛИДАГИ ГАПЛАР

**Президентимизнинг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори барча мутахассисларни, мухлисларни қувонтирди, ҳаяжонга солди, янги орзуларга туртки бўлди.**

Ўтган йили терма жамоамизнинг жаҳон чемпионати саралаш ўйинларидаги муваффақиятсизлигидан сўнг айтилган аччиқ гаплар кимгадир ёқди, кимгадир ёқмади. Аммо, ҳар не бўлганда ҳам биз хатолардан сабоқ чиқариб, ишонч билан олға интилишимиз керак. Чунки олдинда 2008 йили Пекинда бўладиган ёзги Олимпиада, 2010 йилда эса Жанубий Африка Республикасида ўтадиган навбатдаги жаҳон чемпионати турибди. Ушбу қарор эса мамлакатимиз футболини янада ривожлантириш, уни профессионал даражага кўтаришга хизмат қилиши шубҳасиз.

***Акмал АЗИЗХЎЖАЕВ, Республика Олий футбол маҳорати мактаби мураббийи:***

— Футболни янада юксалтириш йўлида ҳукуматимиз томонидан кўп ишлар қилинмоқда. Бугунги кунда ҳар бир вилоятда футбол мактаб-интернатлари фаолият юритяпти. Натижага келганда эса, ҳали бунинг ёрқин самарасини кўрмаяпмиз. Бунинг сабаблари бор, албатта.

Биринчидан, футбол мактаб-интернатларида назорат ишлари кўнгилдагидек йўлга қўйилган, деб бўлмайди. Ҳар йили юзлаб болалар ўқишга қабул қилинади. Хўш, уни битираётганларнинг тақдири нима бўлмоқда? Шу ҳақда ўйлаб кўряпмизми? Биз футбол мактабларига кимларни қабул қиляпмиз? Уларни футбол жамоаларига таклиф қилиш қандай йўлга қўйилган?

Кўпчилик миллий чемпионат савияси пастлигидан нолийди. Хўш, чемпионатимиз кучайиши учун нима қилиш лозим? Аввало ҳар бир жамоада ички рақобат, ҳар бир чизиқдаги ўрин учун футболчилар ўртасида ҳалол кураш бўлиши зарур.

Қарорни ўқир эканман, аввало ана шу муаммолар кўз олдимга келди. Тўғри, мустақиллик йилларида қабул қилинган футболни ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар эвазига Ўзбекистон футбол жамоалари халқаро миқёсда сезиларли ютуқларга эришди. Буни инкор этиб бўлмайди. Қарордан кўзланганидек, тажриба алмашиш ҳамда Ўзбекистон футболчилари, тренерлар ва ҳакамларининг маҳоратини оширишда чет эл футбол клублари ва федерациялари билан халқаро ҳамкорлик ўз мевасини бериши шубҳасиз. Айниқса, ҳужжатда белгиланганидек, захира тайёрлаш учун профессионал футбол клубларининг ўз тузилмасига болалар-ўсмирлар футбол мактабларини киритишни мажбурий, деб ҳисоблаш асосий муаммолардан бири — истеъдодли ёшларни излаб топиш масаласини ижобий ҳал қилишда жуда қўл келади, деб ўйлайман.

***Аҳрол ИНОЯТОВ, Республика Олимпия захиралари спорт коллежи футбол бўлими катта мураббийи:***

— Ҳеч қайси бир мамлакатда биздагидек давлат томонидан футболга катта эътибор берилмаса керак. Мутахассис сифатида айтишим мумкинки, қарорда миллионлаб футбол мухлисларининг дилидаги гаплар ўз аксини топган. Олий лиганинг бармоқ билан санарли бир неча жамоасини айтмаганда, қолган аксарият футбол клублари ўйинларидан мухлислар кўнгли тўлмаётгани рост. Биринчи лига хусусида гапирмаса ҳам бўлади. Хўш, қандай қилсак, чемпионатимиз савияси ошади? Терма жамоамиз қачон қитъа баҳсларида ўзини кўрсатади? Футболчиларимиз қачон жаҳон чемпионатида тўп суришади? Янги қарор ана шундай саволларга муносиб жавоб бўлди, десам муболаға қилмайман. Шу билан биргаликда бу муҳим ҳужжат жойларда мутасадди ва мутахассислардан янгича фикрлаш ҳамда янгича ишлашни талаб этади. Мисол учун, миллий чемпионатнинг ўринбосарлар учрашувларини олайлик. Унда кимлар майдонга тушмоқда? Мураббийлар ўринбосарлар баҳсидан кутилган натижани олишаяптими? Футболимиз учун бу учрашувлардан қандай наф бўляпти? Бу саволлар анчадан бери кўпчиликни ўйлантириб келмоқда. Аслида, ўринбосарлар учрашувига ортиқча харажат сарф қилгандан кўра, биринчи лига мусобақаларига жиддий эътибор берилса яхши эмасми?! Вилоятлар футбол федерациялари ишини жонлантиришга аҳамият берилса, фойдали эмасми?! Булар шахсий фикрим, албатта.

Мамлакатимизда бугун минглаб болалар футбол билан шуғулланмоқда. Лекин улар қандай мураббий қўл остида машғулотларга қатнашаяпти? Бу ҳақда сира ўйлаб кўрганмизми?! Қарорда футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар республика мактабини ташкил этиш, шунингдек, Тошкент шаҳрида Россия тренерлар олий мактаби филиалини очишга алоҳида эътибор берилганлиги бу муаммони ижобий ҳал этади, деб ўйлайман.

***Зоир ТЎРАҚУЛОВ, «Шўртан» (Ғузор) футбол жамоаси бош мураббийи:***

— Қарорни, тўғриси, қайта-қайта ўқиб чиқдим. Ундаги ҳар бир банд жойларда футболни юксалтириш, нафақат мутахассисларнинг, мутасаддилар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Ўзим кўп йиллар футбол ўйнаганлигим, айни пайтда мураббийлик қилаётганлигим боис, буни яна бир карра юракдан ҳис қилдим.

Кўча-кўйда баъзан футболимиз савияси, мураббийлар малакаси, футболчилар маҳорати хусусида танқидий гаплар эшитиб қоламиз. Мухлислар ҳақ, албатта. Хўш, футболимизни юксалтириш, дунёда ўзимизга мос ўринларни эгаллаш учун нималар қилиш лозим? Қарорга кўз югуртирган киши бунга аниқ жавоб топади.

Аввало жойларда болалар футболини ривожлантирмай туриб, профессионал футбол тўғрисида гапириш ортиқча. Бу борада қарорда **«захира тайёрлаш учун профессионал футбол клубларининг ўз тузилмасига болалар-ўсмирлар футбол мактабларини киритишни мажбурий деб ҳисоблаш»** кўрсатилганлиги мени хурсанд қилди.

Яна бир гап, айрим мураббийларимиз футбол қолиб, футболчиларнинг иқтисодий муаммоларига кўп вақтларини кетказишади. Энди айтингчи, иқтисодий муаммолар гирдобида қолган жамоадан қандай қилиб мазмунли ўйин кутиш мумкин?! Қарорда **мамлакатимиз оммавий ва профессионал футболини ривожлантиришга, профессионал футбол клубларини ташкил этиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ҳар томонлама кўмаклашиш, иқтидорли ўйинчиларни моддий рағбатлантириш ва ишончли захирани шакллантириш** зарурлиги кўрсатилганлиги жуда зўр иш бўлди.

Мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти, мақсади — юртимизда футболни янада оммавийлаштириш, ривожлантириш, ўзбекистонлик футболчиларнинг халқаро майдонларда салмоқли ютуқларга эришишини таъминлашга қаратилган. Шу жиҳатдан бу қарор футболимиз равнақи йўлидаги тарихий ҳужжатдир.

**Равшан ШОДИЕВ, Эркин ХОЛБОБО**

Болалар спорти



# ЖИЗЗАХ ФУТБОЛ МАКТАБИ

## бу даргоҳда умидли ёшлар вояга етмоқда

Жиззах шаҳар халқ таълими бўлими қошидаги Болалар ва ўсмирлар футбол мактабида бугун 680 нафар ёш ўз маҳоратини ошираяпти. Уларга 7 нафар тажрибали мураббий устозлик қилмоқда.

— Юртбошимизнинг мамлакатимизда футболни янада ривожлантириш, футболчиларни, айниқса ёш футболчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган қарори айни муддао бўлди, — дейди футбол мактаби раҳбари Илҳом Соатов. — Бу қарор Ўзбекистон футболининг келажагига хизмат қилади.



***Суратларда:*** *футбол мактаби тарбияланувчиларидан бир гуруҳи; ёш футболчилар машқ пайтида.*

**Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

Тадбир

# КОЛЛЕЖДА «ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ»

**Маиший хизмат турлари кўплиги ва фуқароларга маиший хизмат кўрсатиш сифатининг юқорилиги маълум маънода жамият маданий даражасини белгилаб беради. Бу эса соҳа мутахассислари тайёрлайдиган ўқув юртлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди.**

Яқинда Қўйлиқ маиший хизмат касб-ҳунар коллежида «Очиқ эшиклар куни» ўтказилди. Унда Тошкент шаҳри ва вилоятидан 1400 нафарга яқин 9-синф битирувчилари иштирок этди. Ўқувчилар дастлаб коллежнинг спорт залида яратилган шарт-шароитлар билан танишди. Ишлаб чиқариш устахоналари, ўқув, компьютер хоналари, амалиёт учун ташкил этилган минибанк, касса фаолияти ёшларда жуда катта таассурот қолдирди.

Бугунги кунда коллежда 1000 нафардан зиёд талаба 7 йўналиш бўйича таҳсил олади. Билим даргоҳининг тикувчилик цехида касб-ҳунар коллежлари учун буюртма асосида махсус кийим-кечаклар тикилмоқда. Ошпазлик цехида талабалар бевосита назарий билимларини амалиётга татбиқ этадилар, шу ернинг ўзида лаборатория текширувлари ҳам ўтказилади. Яна бир ошпазлик цехи эса Германия технологияси асосида жиҳозланган бўлиб, бу ерда Европа ва Шарқ таомларини тайёрлаш сир-асрорлари ўргатилади. Айни пайтда коллеж талабалари олган билимларини пойтахтимизнинг «Intercontinental», «Dedeman silk road», «Grand mir hotel» каби нуфузли меҳмонхоналар ресторанларида синаб кўриш имкониятига эгалар.

— Коллежимизда «Очиқ эшиклар куни»ни яна бир бор ташкил этишни режалаштирдик, — дейди коллеж директори Салимахон Улуғова. — Унга кўплаб мактаб ўқувчиларини таклиф этдик. Бугунги тадбиримизга эса биринчи курс талабаларидан кўпчилигининг ота-оналари ҳам келишган. Улар фарзандлари қандай таълим олаётганлигини ўз кўзлари билан кўришмоқда.

Мактаб ўқувчиларига коллеж талабалари томонидан тайёрланган янги кийимлар, кутубхонада эса китоблар кўргазмаси ташкил этилди. Биз ўқув даргоҳи фаолияти билан танишиб чиққан ёшлар фикрлари билан қизиқдик.

— Мен Ҳамза туманидаги 231-мактабнинг 9-синф ўқувчисиман, — дейди ўзини Наврўз Муллахонов деб таништирган ўспирин. — Менга коллежнинг спорт зали ва компьютер хонаси, уларнинг жиҳозланиши жуда ёқди. Барчасини ўз кўзим билан кўргач, менда шу ерга ҳужжат топшириш истаги пайдо бўлди.

— Тикувчи бўлмоқчиман, — дейди 212-мактаб ўқувчиси Лола Бойқулова. — Бу ҳунарни бирор-бир ўқув марказида ўргансам, деган фикрда эдим. Аммо, бу ерда тикувчиликнинг сир-асрорлари жуда чуқур ўргатиларкан.

«Очиқ эшиклар куни»га ташриф буюрган аксарият ёшларда коллежга қизиқиш пайдо бўлганлиги бежиз эмас. Чунки, бу ерда тайёрланаётган мутахассислар хизматларидан ҳар куни ҳар биримиз баҳраманд бўламиз.

**Беҳзод ШУКУРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

Инсон хотираси — азиз

# АЙНИ ЕТУКЛИК ЧОҒИДА...



...Апрель ойининг охирларида ҳамкасб ўқитувчилар олдимга истараси иссиққина бир йигитни бошлаб келишди. У I Тошкент давлат тиббиёт институти (ҳозирги Тошкент тиббиёт академияси)нинг стоматология факультетини тамомлаган, Навоийда бир оз муддат шифокор бўлиб ишлаган Даврон Қаршиев экан. Уни фармокология кафедрасига ассистентликка ишга олдик. Аспирантурага қабул имтиҳонлари чоғида бу йигитнинг дурустгина илмий салоҳияти борлиги маълум бўлди.

Аспирантурани тугатгач, Даврон Қаршиев Самарқанд давлат тиббиёт институтининг фармокология кафедрасида иш бошлади. Аммо, жамоамиз билан алоқани узмади.

Ўша 1988 йилги танишувдан сўнг орадан йиллар ўтиб, шогирдим «Ароматик альфа кетакарбон кислотасининг унумлари яллиғланишига қарши воситаларнинг янги гуруҳи» номли докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. У мазкур илмий ишида ароматик альфа кетакарбон кислотасининг 33 та янги унумларнинг яллиғланишга қарши таъсирини ўрганди. Маълумки, тиббиётда яллиғланиш кўп хасталикларнинг негизини ташкил этади. Шу сабабли унга фармокология воситаларини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Давронжоннинг бу изланишлари самарасида синаб кўрилган янги таъсир воситаси «Фенсункал» ва «Бензкетазон» номи билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги фармокология қўмитасига тавсия этилди ва тиббиёт амалиётида яллиғланишга қарши дори сифатида кенг кўламда ишлатишга татбиқ этилди.

Даврон Қаршиев Самарқанд давлат тиббиёт институти фармокология кафедрасига мудир этиб тайинлангандан сўнг ёш олим сифатида бутун эътиборини кафедранинг ишини янада жонлантиришга қаратди, талабаларга фармокология илмини чуқур эгаллашларида яқиндан ёрдам берди.

Яхши шогирд фарзандингдек бўлиб қоларкан. Ундаги зиёли одамларга хос меҳр-оқибатни кўриб, ич-ичимдан қувонардим. Илмнинг келажаги ана шундай фидойи мутахассисларга боғлиқлигидан фахрланардим. Ҳар гал йўлим Самарқандга тушганда, албатта, шогирдимни кўриб қайтардим. Афсус, бешафқат ўлим Давронжон Қаршиевни 42 ёшида, айни етуклик чоғида орамиздан олиб кетди.

Давронжондан уч фарзанд, катта илмий бойлик ва ёрқин хотира қолди.

Бугун Давронжоннинг олис Нурота туманида яшаётган ота-онаси, фарзандлари, қолаверса ҳамқишлоқлари унинг тиббиётда эришган ютуқлари билан ҳақли равишда фахрланишади. Зеро, эзгу мақсадлар сари интилиб яшаган инсонлар ёди, уларнинг хотираси одамлар дилида мангу яшайди.

**Ўзув ЗОКИРОВ, тиббиёт фанлари доктори, профессор**

Мулоҳаза

# КИТОБ ЙИРТИШ — ҲАМ ГУНОҲ, ҲАМ МАДАНИЯТСИЗЛИК

Бугунги кунни ахборот технологияларисиз тасаввур қилишимиз мушкул. Компьютер, интернет тармоғи, телевидение ва радио ҳозирда инсон эътиборини банд этди. Керакли маълумотни интернетдан олаяпмиз. Телевидение орқали исталган мамлакатга сайёҳатга «чиқмоқдамиз». Баъзи бировларнинг фикрича, замонавий ахборот коммуникацияси инсонларнинг ахборот олишга бўлган маънавий эҳтиёжини тўла қондираётган эмиш. Назаримда, китобларнинг инсон ҳаётида ва унинг шаклланишида ҳамда жамиятда маълум бир мавқега эга бўлишида тутган ўрнини уларнинг ҳеч бири тўлдира олмайди. Китобларнинг аҳамияти технология қанча ривожлангани билан ортса ортадики, заррача камаймайди.

Баъзан курсдошларим қўлларида варақлари йиртилган, аҳволи ачинарли китобларга кўзим тушади. Уларни шу кўйга солган тенгдошларимнинг кимлиги, маънавияти... Ҳарқалай, китобни йиртган кишининг ички дунёсини тасаввур қилиш қийин эмас...

Бир куни ўртоғим билан кутубхонага бордик. Ўзимиз учун керакли китобларни олиб ўқишга киришдик. Бир оздан сўнг дугонам жаҳл билан ниманидир қидира бошлади. Кейин билсам, у фойдаланмоқчи бўлган китобдаги саҳифалар йиртиб олинган экан. Шундан сўнг у менга бир танишининг уйида китоблардан йиртиб олинган, энди кераксиздек ташлаб қўйилган бир уюм варақларни кўрганлигини ачиниб сўзлаб берди.

Ҳақиқатан, кутубхоналарда китоб йиртиш ҳолатлари кўп кузатилади. Китобларга бўлаётган бундай тажовуз тўғрисида **Республика илмий педагогика кутубхонаси** ходимлари фикри билан қизиқдик.

***Холсоат ЧОРИЕВА, кутубхона ходими:***

— Улар, китобсеварлар эмас, албатта. Бир бало қилиб, имтиҳондан ўша йиртилган варақлар —шпаргалкалар ёрдамида ўтиб олса бўлди. Бошқаси билан иши йўқ.

Кутубхона китоблари — жамоат мулки. Уларни келажак авлодга бутунлигича етказиш бизнинг вазифамиз. Бир лаҳзалик шахсий манфаатни кўзлаб, китобларни йиртиб олаётганларни ким дейишга ҳам ҳайронман...

***Нигора ТОЖИБОЕВА, кутубхона ходими:***

— Ҳар йили китобларни таъмирлаш ишларини олиб борамиз. Яроқсиз ҳолга келтирилиб қўйилган китобларни кўриб, юрагинг ачийди. Йиртиб олинган китоблар ногирон одамга ўхшаб қолар экан.

Китобларни таъмирлаб, йиртилган варақлар учун нусха кўчириб, елимлаб қўямиз. Бир-икки ойдан сўнг, яна бошқа саҳифасини йиртиб олишади. Шундай ноёб китоблар борки, уларни қайта нашр эттиришнинг имкони йўқ. Катта маблағ талаб қилади.

Китоб неча-неча кишиларнинг меҳнати эвазига яратилади. Бутун-бутун авлодларни у маърифатли қилади. Китобни йиртиш, назаримда, катта гуноҳ. Бу фақат ёмон одамнинг қўлидан келади. Маънавияти юқори, шуури, билим доираси кенг инсон бундай ишга асло қўл урмайди.

Шу ўринда бир таклифим бор: кутубхоналар ихчамгина ксеронусха аппаратлари билан таъминланса, дейман. Шунда китобнинг керакли варақларидан нусха олиш имконияти туғиларди. Ва китоб йиртиш ҳолатлари балки камаярмиди?

**Дилсора МИРЗААҲМЕДОВА, ЎзДЖТУ талабаси**

# БУГУНГИ ЁШЛАРГА ҲАВАСИМ КЕЛАДИ

Яқинда Қўқон шаҳридаги ўзим таълим олган Амин Умарий номли 3-ўрта мактабга бордим. Шу мактаб бағрида ўзбек илм-фанининг номдор олимлари, жамоат арбоблари вояга етган.

Биз бундан эллик йил аввал мазкур даргоҳни битирганмиз. Ўша пайтдаги мактабни бугунгиси билан таққосладим. Мустақиллик туфайли бу ерда амалга оширилган ишларни кўриб, тўғриси лол қолдим. Директор Ханифа Тўйчибоеванинг айтишича, мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури эълон қилингач, ўқув даргоҳига бўлган эътибор янада ошибди. Ҳозир мактабда ўқувчилар учун яратилган шарт-шароитлар ҳайратланарли даражада. Биз ўқиган пайтлар синфдошларим билан бундай шароитлар тушимизга ҳам кирмасди.

Ханифа Тўйчибоева менга мактабни обдон таништирди. Айни пайтда бу ерда 50 нафардан ортиқ ўқитувчи 928 нафар ўқувчига таълим-тарбия бериш билан банд экан. Кимё, биология, информатика, физика хоналаридаги замонавий жиҳозларни кўриб, ҳавасим келди. Спорт зали ва ошхона дид билан таъмирланибди. Улардаги қулайликларни айтмайсизми!

Мактабдан қайтар эканман, яна бир бор ҳозирги ўқувчиларга, уларга зўр иштиёқ билан таълим бераётган мураббийларга ҳавас қилдим. Биз кўрмаган эътиборга фарзандларимиз, набираларимиз етишганидан мамнун бўлдим. Мустақиллик нима берди, деган саволга шу ерда жавоб топдим. У ҳам бўлса, келажак авлодга юксак эътибор, ғамхўрлик ва меҳр экан.

**Талъат СОЛИЕВ**

AzKO КАМОЛОН

**«Нажмиддин Ҳожи ота» қурилиш моллари дўкони Сизга ҳар хил турдаги энг сифатли, энг харидоргир қурилиш маҳсулотларини харид қилишни тавсия этади:**

- *шпатлевкалар;*
- *зангламайдиган темир дарвоза ва панжаралар;*
- *сифатли қоғоз елимлари;*
- *«Hakan plastik» Туркия фирмасининг иссиқ, совуқ сувларга мўлжалланган пластмасса қувурлари;*
- *«АКРА» — Туркия маҳсулотларидан ишлаб чиқарилган аллюмин эшик ва ромлари (буюртма асосида).*

**Мурожаат учун телефонлар:** *367-82-27; 189-89-83; 188-84-17. Факс: 367-96-38.*

**Манзил:** *Чилонзор кўчаси, 1Б-уй*

**Мўлжал:** *«Ўзбекфильм» ёнида*

Тошкент давлат шарқшунослик институти томонидан 2001 йилда Нодирбек Раҳматуллоевич Маруповга берилган № 002145 рақамли магистр дипломи йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 16 майда 542-сонли рақам билан давлат рўйхатига олинган Ўзбекистон миллий маданият марказлар ривожланишини қўллаб-қувватлаш «Бағрикенглик» жамоатчилик жамғармаси юқори бошқарув органи бўлган умумий йиғилишнинг 2006 йил 16 майдаги қарорига асосан

**ТУГАТИЛАДИ.**

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой муддат давомида қабул қилинади.

***Мурожаат учун телефон: 132-26-98.***

**BOSH MUHARRIR:**
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI:**
**Abdulla ORIPOV**
**Latif G`ULOMOV**
**Asliddin RUSTAMOV**
**Ashur QODIROV**
**Bobir ALIMOV**
**Farruh HAMROYEV** (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
**Alimqul SULTONOV** (Bosh muharrir o`rinbosari)
**Andrey ORLOV** (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
**Norbobo SHAKAROV**
**Nomoz SA`DULLAYEV**
**To`lepbergen QAIPBERGENOV**
**Muslihiddin MUHIDDINOV**
**Olim MURODOV**
**Abdug'ani MAMASODIQOV** (Mas'ul kotib)

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**

| | |
|---|---|
| Siyosat, partiya va xalqaro hayot | 133-10-13 |
| Ma`naviyat va ma`rifat | 133-69-45 |
| Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot | 133-20-36 |
| Parlament va huquq | 136-76-21 |
| Ekologiya va salomatlik | 133-44-55 |
| Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik | 133-21-43 |
| Xatlar va ommaviy ishlar | 133-12-56 (Tel. Faks) |
| Mas`ul kotib | 133-72-83 |
| Reklama va e`lonlar | 133-38-55, 133-47-80 |

**VILOYAT MUXBIRLARI:**

| | |
|---|---|
| Andijonda — | 25-32-70 |
| Buxoroda — | 222-10-92 |
| Gulistonda — | 25-22-32 |
| Jizzaxda — | 5-49-85 |
| Navoiyda — | 223-83-73 |
| Namanganda — | 6-43-43 |
| Nukusda — | 222-70-15 |
| Samarqandda — | 35-20-54 |
| Urganchda — | 226-51-35 |
| Farg`onada — | 26-43-62 |
| Termizda — | 3-79-98 |

**MANZILIMIZ:**
**700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.**
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: **Akbar JONUZOQOV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: **Ikromjon ISMOILOV**

**«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.**
**Korxona manzili:** Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.*
***Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.***
***Hajmi 2 bosma taboq.***
**Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.**

**«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.**

Г — 750
*11058 nusxada bosildi*
*t — Тижорат материали*
O'zA yakuni — 21.20
Topshirish vaqti — 23.00
**1 2 3 4 5**
**Sotuvda erkin narxda**